

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 15-noyabr, shanba № 92 (15834)

Prezident stipendiati



Муродала Сайқалмаган иқтидор

Яхши ўқийдиган, иқтидорли талабалар кўп бўлса-да, илмий иш билан шуғулланишни мақсад қилганлари саноқли бўлади. Александранинг: «Мен магистратурада ўқийман, илмий иш билан шуғулланаман», деганини эшитган ўқитувчилари қувонди. Бироқ ёш қиз, орзу-ҳаваси кўп, ҳали фикри ўзгариб қолиши ҳам мумкин, деган ўйда «арқонни узун ташлаб қўйдилар». Илм йўли осон эканми, қанча синовларни зиммасига олган одам танлайди уни.

— Қизим, мақсадингиз жиддийми? — сўради устози Қудрат Эрназаров Александра учинчи курсга ўтганида.

— Ҳа, устоз, ниятим жиддий. Ўқишга кирган вақтимдаёқ шу қарорга келганман, — дея жилмайди қиз.

— Унда танлаб қўйган мавзунингиз ҳам бордир?..

(Давоми 3-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2014 йил 13 ноябрда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини **Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини тасдиқлаш тўғрисидаги** масалани кўриб чиқилган бошладилар.

Мажлисда қайд этилганидек, бозор ислохотлари, давом этаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгартиришлар шароитида 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари макроиқтисодий барқарорликни ҳамда мамлакат ЯИМ юқори суръатлар билан ўсишини таъминлашга, диверсификация қилинган ҳамда рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришга, аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишга қаратилганлиги стратегик аҳамиятга эга. Ушбу мақсадларга эришиш учун 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари иқтисодий ҳамда модернизациялаш, бозор ислохотлари ва ижтимоий ислохотларни чуқурлаштиришнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлари, мақсадлари ҳамда вазифалари асосида ишлаб чиқилган.

Муҳокама асносида келаси йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳужалик юритувчи субъектлар ва аҳоли учун солиқ юқини янада ка-

майитиришдан, солиқ солиш тизimini соддалаштиришдан, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини мустаҳкамлашдан ҳамда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришдан иборат бўлиб қолаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Солиқ юқини янада камайитириш бўйича энг муҳим чоралардан бири сифатида юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг базавий ставкасини 8 фоиздан 7,5 фоизга тушириш назарда тутилмоқда, натижада юридик шахслар ихтиёрида кўшимча равишда 89,4 миллиард сўм қолади. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондига тушадиган солиқ юқини камайитириш мақсадида микрофирмалар ва кичик корхоналар, фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкасини 25 фоиздан 15 фоизгача пасайтириш таклиф қилинмоқда. Шунингдек, микрофирмалар ва кичик корхоналар бўлмиш қурилиш ташкилотлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 6 фоиздан 5 фоизгача пасайтириш таклиф қилинмоқда. Бундан ташқари, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ солишнинг тўрт босқичли шкаласи жорий этилмоқда. Бу шкала даромадларнинг биринчи гуруҳи (энг кам иш ҳақининг бир бараваригача) бўйича ноль ставкасини белгилашни назарда тутди. Мазкур чора ўртача иш ҳақидан кам ёки ўртача иш ҳақи даражасида даромад оладиган жисмоний шахсларга тушадиган солиқ юқини камайитиришга қаратилган.

(Давоми 2-саҳифада)

«Kamolot» loyihalari

ТАЖРИБА, ФИКР-МУЛОҲАЗА АЛМАШИШ МАЙДОНИ

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги «Kamolot» ёшлар оромгоҳида «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида ўтган Ҳаракатнинг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилот етакчиларининг II республика форуми ўз якунига етди.

Етакчилар ўртасида ўзаро фикр-мулоҳаза ва тажриба алмашиш, илғор тажрибаларни омалаштириш, уларнинг етакчилик қобилиятини янада ривожлантириш, бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда келгуси вазифаларни белгилаб олиб, ёшлар

ташкilotини янги сифат босқичига кўтаришга қаратилган ушбу форумда Ҳаракатнинг олий таълим муассасаларидаги 75та бошланғич ташкilotоти етакчиси қатнашди.

Форумнинг расмий очилиш маросимидан сўнг етакчилар тўрт гуруҳга бўлиниб, Ҳаракат



фаолияти ҳамда ёшлар масалаларига бағишланган ўқув-семинарларда қатнашди.

(Давоми 5-саҳифада)

Imkoniyat

ЭНГ САРА МАҲСУЛОТЛАР НАМОЙИШИ

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Ватан тараққиётига менинг ҳиссам» шиори остида ёш тадбиркорлар республика кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган тадбиркор, фермер ва хунармандлар ўз маҳсулотларини намойиш этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ўтказилган мазкур кўргазма Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, «Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Халқ усталари, хунармандлари, мусаввирлари «Хунарманд» уюшмаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ташкил этилди.

(Давоми, 4-саҳифада)



«ОБУНА — 2015»



Ўзбекистон ёшларининг бош наشري — «Turkiston» 2015 йилда ҳам сизнинг маслаҳатингиз, ҳамроҳлигиз бўлади.

«TURKISTON» САҲИФАЛАРИДА:

Мамлакатимизда, «Kamolot» худудидида — ёшлар ҳаётида рўй бераётган долзарб мавзудаги мақола-лар, оригинал лавҳалар, «Сухбатдош», «Амалиётчи», «Интерактив», «Табиатнома» сингари саҳифалар, «Истиқлол фарзандлари», «Ёш ихтирочи», «Сенинг тенгдошинг», «Санъат», «Спорт», «Билиб қўйган яхши» каби рунклар, шунингдек, бутун оламдан қизиқарли воқеалар тафсилоти, теша тегмаган гаплар, ажабтовур фотолавҳалар...

ОБУНА ИНДЕКСИ: 203

«TURKISTON»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЁН ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжати муҳокама қилиш асносида сенаторлар томонидан ижтимоий соҳа харажатларини кўпайтириш тамойили сақланиб қолаётганлиги қайд этилди. Чунинчи, Давлат бюджетининг ижтимоий харажатлари жорий йилда-гига нисбатан келаси йилда 1,2 баравар кўпаяди. Хусусан, мамлакат олий ўқув юртлири, умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлари ўқув-лаборатория корпусларини, шунингдек, тиббиёт муассасаларини қуришни, реконструкция қилишни, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашни молиялаштиришга катта миқдорда маблағ йўналтирилади. Давлат бюджетидан 138 та соғлиқни сақлаш объектини қуриш ва батамом замонавий техника билан жиҳозлашга 495 миллиард сўм, 246 та умумтаълим мактабини, 42 та академик лицей ва касб-хунар коллежини реконструкция қилишга, шунингдек, 246 та ўрта ва ўрта махсус таълим муассасасини мукаммал таъмирлашга 479 миллиард сўм ажратилиши назарда тутилган. 72 та туман тиббиёт муассасаси қурилади. Умуман, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялашга қилинадиган давлат харажатларининг ўсиши 2014 йилдагига нисбатан қарийб 22 фоизни ташкил этади.

Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этишга, шу жумладан, қишлоқ жойларда янги ташкил этилаётган уй-жой массивларини сув билан таъминлаш объектлари қурилишига зарур маблағлар ажратилади.

Умуман, 2015 йилги Давлат бюджетда, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетларида ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларида аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини огишмай ошириб бориш назарда тутилмоқда. Бунга иш ҳақи, стипендиялар, ижтимоий нафақалар ва пенсиялар миқдорини инфляция суръатларидан юқори даражада ошириб бориш йўли билан, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг манзиллигини кучайтириш, бюджетлараро муносабатлар тизимини янада ислоҳ қилган ҳолда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджетлар даромад базасини кенгайтиришдан ҳамда ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашдан манфаатдорлигини ошириш ёрдам беради.

Сенаторларнинг чиқишларида 2015 йилги Давлат бюджетининг, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ҳамда солиқ ва бюджет сиёсати асосий йўналишларининг параметрлари, умуман, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларида, жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида ислохотларни янада чуқурлаштириш ва аҳоли фаровонлигини изчил ошириб боришнинг стратегик дастурига мос эканлиги кўрсатиб ўтилди. Муҳокама якунлари бўйича сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини тасдиқладилар ва тегишли қарор қабул қилдилар.

Сенаторлар худудлар ва иқтисодий тармоқларнинг бутун салоҳиятини ишга солиш, демографик омилларни ва меҳнат бозорининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ишга жойлаштиришнинг самарали шакллари ривожлантириш йўли билан аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича чора-тад-

бирлар мажмуини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган **2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини ҳам** кўриб чиқиш, маъқулладилар.

Ушбу Дастур «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларини, аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг тамойиллари, устувор йўналишларини, тегишли мақсадли дастурлар ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилганлиги кўрсатиб ўтилди.

2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг прогност параметрлари 2011-2015 йилларда худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига, инвестиция дастурлари ва бошқа мақсадли дастурларга мувофиқ тузилган. Улар иш ўринларини кўпайтиришга, бандлик даражасини ўстиришга ҳамда унинг ҳудудий тузилмасини такомиллаштиришга йўналтирилган. Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси ва сервисни, қишлоқ жойларда яққа тартибда уй-жой қурилишини ҳамда қурилишда пудрат ишларини ривожлантириш дастурлари рўёбга чиқарилиши, кўп тармоқли фермер хўжалиқлари янада ривожлантирилиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши модернизация қилиниши ва бошқалар билан боғлиқ ҳолда меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб ва уни тақлиф қилишнинг мувозанатлигини таъминлаш вазифалари белги-ланган. Ташкил этилаётган иш ўринларининг сақланиб қолиши ва барқарор амал қилиниши, банд бўлмаган аҳолини, касб-хунар коллежларини битирувчиларни, хотин-қизларни, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган бошқа тоифаларини ишга жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилган. Бунда кичик бизнеснинг иш ўринлари ташкил этишдаги ролини оширишга, айниқса, мумкин қадар кулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредит ва моддий хомашё ресурсларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш бўйича қабул қилинган норматив ҳужжатларга мувофиқ оилавий тадбиркорлик, хунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига оширишга катта эътибор берилган.

Дастурни рўёбга чиқариш доирасида 2015 йилда мамлакатимизда 987,5 мингта иш ўрни, шу жумладан, саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ишламаётган корхоналарни қайта тиклашнинг мақсадли дастурларига мувофиқ 261,6 мингта иш ўрни ташкил этиш, шунингдек, кичик корхоналар ва микрофирмаларда, яққа тадбиркорлик ва касаначилик соҳасида, фермер ва деҳқон хўжалиқларида 725,9 минг нафар одамнинг бандлигини таъминлаш назарда тутилмоқда. Мамлакатнинг олис туманларида иш ўринлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади.

2015 йилда Дастур параметрларига мувофиқ ташкил этиладиган янги иш ўринларига, шунингдек, мавжуд бўш ва захира қилинадиган иш ўринларига касб-хунар коллежларининг 487,7 минг нафар битирувчисини ишга жойлаштириш мўлжалланган.

2015 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг тасдиқланган параметрлари сифати бажарилишини таъминлаш мақсадида унинг республика туманлари ва шаҳарлари, иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналар ке-

симиди рўёбга чиқарилишининг мунтазам ва тизимли мониторинги ташкил этилади.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Обод турмуш йили» Давлат дастурини ижро этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган **«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни**ни кўриб чиқдилар. Мажлисда амалдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ўрнига қабул қилинаётган янги қонун жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, юридик шахсларнинг қонуний манфаатлари ҳамда қилинишининг қўшимча кафолатларини таъминлаб беришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди. Мурожаатларни замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва технологияларидан фойдаланган ҳолда киритиш имконияти ҳуқуқий мустаҳкамлаб қўйилганлиги ҳам қонуннинг муҳим янгилиги бўлди.

Сенаторлар фикрича, қонуннинг қабул қилиниши жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш самарадорлигини оширишга, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳамда қилинишини бутун чоралар билан таъминлашга, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг мурожаатлар ўз вақтида ҳамда ҳар томонлама кўриб чиқиши учун жавобгарлигини кучайтиришга ёрдам беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқуллади.

Сенаторлар Олий Мажлис палаталари томонидан 2010 йил ноябрь ойида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белги-ланган вазифаларни рўёбга чиқариш доирасида ишлаб чиқилган **«Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни**ни (янги таҳрири) кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Мажлисда кўрсатиб ўтилганидек, қонуннинг асосий қоидалари хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг инвестиция жараёнидаги иштирокини янада кенгайтиришга, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга инвестицияларни амалга ошириш учун қўшимча рағбатлантириш чоралари ва шарт-шароитларини яратишга йўналтирилган.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда инвестиция муҳити янада яхшиланишига, инвесторлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш самарадорлиги ошишига, инвестиция фаолиятида давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга, шунингдек, хусусий инвестицияларни рағбатлантиришга ёрдам беради.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн олтинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

2014 йил 14 ноябрда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар ялпи мажлисининг иккинчи кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига мувофиқ парламент юқори палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилин-

ганлигининг 22 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги масалани кўриб чиқишдан бошладилар.

Ушбу масалани кўриб чиқиш асносида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг қабул қилинишини инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатлари олий қадрият бўлган, амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этадиган давлатимиз инсонпарварлигининг яна бир ёрқин кўриниши эканлигини кўрсатиб ўтдилар. Ушбу масала бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг қарорида қуйидаги маҳкумларни: аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет давлатлар фуқаролари, шунингдек, бир қатор бошқа тоифадаги шахсларни жазодан озод қилиш (назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда) кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, қарорда амнистия тўғрисидаги қарор татбиқ этилмайдиган шахсларнинг тоифалари ҳам назарда тутилган.

Сенат ўз қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорини қўл-ланиш тартибини белгилади. Ушбу тартибда жиноий жавобгарликдан ва жазодан амнистия ҳужжати мувофиқ озод қилинадиган шахслар хусусидаги ишлар ва материалларни судда кўриб чиқиш тартиб-таомили белгиламоқда. Бунда амнистия актининг қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратини ва қарорни қўлланиш тартиб-таомилларининг очиқ-ошкоралигини таъминлашда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг минтақавий вакиллари фаол иштирок этиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, жазодан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига оид чораларни амалда рўёбга чиқариш, улар тўлиқ ҳисобга олинishi ва ишга жойлаштирилишини таъминлаш, ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналарининг, васийлик ва ҳомийлик органларининг назоратида топшириш, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юборишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш ҳам назарда тутилмоқда.

Шундан кейин сенаторлар, «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни кўриб чиқдилар. Сенаторлар ушбу қонун 2015 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг концепциясини самарали амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларини рўёбга чиқариш учун зарур ҳуқуқий шароитлар ярати-лишини, шунингдек, солиқ солиш соҳасида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлашини таъкидладилар.

Қонун билан «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъмино-

ти тўғрисида»ги қонунларга, Солиқ кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда, сенаторларнинг фикрича, ушбу қонун умуман олганда, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли учун солиқ юкини янада камайитиришга, солиқ солиш тизимини соддалаштиришга, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга ҳамда солиқ маъмуриятини такомиллаштиришга қаратилган. Қонун сенаторлар томонидан маъқуллади.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни кўриб чиқиш вақтида сенаторлар ушбу қонуннинг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига, 2014 йил 15 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиб-отларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2013 йил 12 декабрдаги «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ тайёрланганлигини кўрсатиб ўтдилар.

Ушбу қонун билан бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, жумладан, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Табиий монополиялар тўғрисида»ги, «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги, «Банкротлик тўғрисида»ги, «Маҳсулотлар ва хизматларни сертифицирлаштириш тўғрисида»ги қонунларга, Солиқ кодексига, Ҳаво кодексига, Жиноят кодексига, Фуқаролик-процессуал кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ва бошқаларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун ҳужжатларига киритилаётган тузатишлар инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга, тадбиркорлик фаолиятининг ривожлантиришга, тадбиркорлик субъектлари учун янада кулай шароитлар яратишга, фуқаролик суд ишларини юритиш самарадорлигини оширишга ва бошқаларга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди. Қонун сенаторлар томонидан маъқуллади.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатлари доирасига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сенатнинг икки кунлик мажлисида 10 та масала, шу жумладан, демократик ислохотларни босқичма-босқич ва изчил чуқурлаштириб боришга ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган 5 та қонун кўриб чиқилди, уларнинг рўёбга чиқарилиши аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, мамлакатимизда барқарорлик ва фаровонликнинг кудратли омил бўлади.

Шу билан Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини тугаллади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин (ушбу Қарорнинг 7-бандида кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):

- а) аёллар;
- б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
- в) 60 ёшдан ошган эр-каklar;
- г) чет давлатлар фуқаролари;
- д) I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек ушбу Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони

ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликларга чалинган деб топилган шахслар.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек қасддан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йил-у олти ойдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган

кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иш-тироқи, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.

6. Ушбу Қарор асосида озод қилинмайдиган шахсларнинг:

- а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан кўп

бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати – учдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилсин.

7. Татбиқ этилмасин:

- а) ушбу Қарорнинг амал қилиши – узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга; шунингдек

ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш тартибидеги жазога алмаштирилган шахсларга;

б) ушбу Қарор 1-бандининг амал қилиши – ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;

в) ушбу Қарор 1-3, 5-бандларининг амал қилиши – Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга;

г) ушбу Қарор 1-3, 5, 6-бандларининг амал қилиши – тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иш-тироқи, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноят-

лар содир этганлиги учун судланган шахсларга.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли кўмита ва комиссиялари ушбу Қарорнинг қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратини ҳамда қарорни қўлланиш тартиб-таомилларининг очиқ-ошкоралиги амалга оширилишида сенаторлар ва депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

9. Ушбу Қарор амалга оширилиши учун масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

10. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенатининг Раиси

Тошкент шаҳри,
2014 йил 14 ноябрь

И.Собиров

Мутолаа сайқалмаган иқтидор

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Ўзбекистон Миллий университети магистри, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси соҳиби Александра Терехина журналистиканинг «катта қозон»ига шу тахлит кириб келган.

Тенгдошимиз мактабда адабиёт, тарих, чет тили фанларидан аъло баҳоларга ўқирди. Отаси Борис ака сўз санъатининг мухлиси бўлгани боис фарзандининг Зулфия, Анна Аҳматова сингари шоира бўлишини истар, бунинг учун оилада барча шароитларни яратиб берган эди. Китоблар оламида ўсган қиз аввалига шеърятга қизиқди. Бироқ кейинчалик газета ва журналларни мунтазам ўқиб, телевидение ва радиони кузатиб бориб, журналистикага меҳри уйғонди. У телевизорни шунчаки дам олиш эмас, дунё хабарларидан бохабар бўлиш учун кўрар, олди-қочди воқеалар, ёлғон ба-шоратлару сохта севги номаларини чоп этадиган нашрларни эмас, жиддий, кишини мулоҳазага чорлайдиган мақолалар эълон қилинадиган газеталарни ўқиб борарди. Унинг оммавий ахборот воситаларига қизиқишини ота-онаси ҳам қўллаб-қувватлади.

«КИТОБДАН
МИННАТДОРМАН...»

1990 йилда Нукус шаҳрида туғилган Александра Терехина билан суҳбатлашган киши унинг нақадар мулоҳазали, ўз фикрини қанчалар чиройли ифода эта олишига амин бўлади. Ахир билганларини чиройли ет-

каза олиш, фикрини равшан ифодалаш ҳам бир санъат. Мактаб давридаёқ она тили ва адабиёт фанларига қизиқиб, кўп китоб ўқиган қаҳрамонимиз 2005 йил МДХ ва Болтиқбўйи давлатлари мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Нотиклик санъати» III халқаро олимпиадасининг махсус дипломини қўлга киритди.

— Саид Аҳмад, Тўлепберган Қайипберганов, Чингиз Айтматов, Фёдор Достоевский, Антон Чехов, О'Генри асарларини берилиб мутолаа қилганман, умуман, ҳаётда ни-мага эришаётган бўлсам, китобдан миннатдорман, — дейди Александра.

Аълочи қиз 2008 йилда Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди.

«Илмдан бир шуъла дилга тушган он, шунда билурсанким, илм бепоён» дейди донишманд шоир. Қаҳрамонимиз олий таълим муассасасидаги дастлабки кунларида унинг иқтидори ва билимга чанқоқлигини кўрсатди. Факультет ва университет миқёсида ўтказилган тадбирларда фаол иштирок этиб, муаллимлар назарига тушди. Университетда олган назарий билимларини мустақамлаш мақсадида «Учитель Узбекистана» газетасида амалиёт ўтади. Унинг қобилиятини юқори баҳолаб, таҳририятга ишга қабул қилишди.

— Газетада амалиёт ўташни бошлаган биринчи кунимданоқ навбатдаги сонга материаллар қандай тайёрланиши, неча чиғириқдан ўтиши, саҳифалаш жараёнини кузатиб, ҳақиқий журналистика қандай бўли-

шини кўрганман, — дейди А.Терехина.

Газетадаги фаолият унинг ўсишига хизмат қилди. Университетда олган назарий билимларини амалиёт билан уйғунлаштира олган А.Терехинанинг мақолалари тезда ўқувчилар эътиборига тушди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қай тарзда амалга ошаётгани, умуман, таълим соҳасидаги ислохотлар, воқеликлар ёртилган туркум материаллари учун 2013 йилнинг май ойида VIII «Олтин қалам» миллий мукофотида сазовор бўлди. Орадан кўп ўтмай унинг интилишлари давлатимиз томонидан яна бир марта эътироф этилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиясига муносиб кўрилди.

— Оммавий ахборот воситаларида иқтидорли тенгдошларимнинг ютуқлари ҳақида кўп ўқиганман, уларнинг фаолиятларини кузатиб борганман. Шунда англис тилидаги дастлабки кунларида кўзга кўринмайдиган афсонавий бир нарса ёки ҳаёлий тушунча эмас. У кишининг қалбидаги истак, қўлидаги меҳнат, онгидаги тафаккур экан. Ўз истеъдодини намоён этган ёшлар ҳамиша давлатимиз эътиборида, ким ўз олдида шу мамлакат манфаати учун хизмат қиламан, дея олий мақсадни қўйса, яхши ниятига албатта етади, деган ҳулосага келдим. Биз, ёшларни ҳамиша қўллаб-қувватлайдиган, ўз фарзандига ишонгандек ишонадиган Юртбошимиздан, камтарона меҳнатимиз, интилишларимизни юқори баҳолайдиган давлатимиздан миннатдорман. Қўлимдан

келганча, юртимизга, халқимизга хизмат қиламан, — дейди Александра Терехина.

«ИЗЛАНИШДАН
ТЎХТАМАЙМАН!»

Тенгдошимизнинг магистрлик диссертацияси ахборот хизматларининг маданият ва санъат равнақидаги ўрни ҳақида бўлди. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликларида амалиёт ўтади, диссертациясига маълумотлар тўплади, мақола ва тезислар тайёрлади. Бу материаллар ўзМУнинг филология факультети тасарруфидаги илмий-тадқиқот жамланмаси ва бошқа тўпламларда нашр этилди. Диссертациясини тарих фанлари номзоди, доцент Мирботир Хусанов раҳбарлигида муваффақиятли ҳимоя қилди.

У иш ва ўқишдан ташқари санъат билан ҳам шуғулланади. Фортепьяно чалади, шеър ва ҳикоялар машқ қилади. Илмий ва бадиий китобларни мутолаа қилиш севимли машғулоти. Бадиий адабиётларга муҳаббатли Александранинг журналистик фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатиб, мақолалари савиясини оширди. Тил ўрганишга доир қийинчиликларни мунтазам машқ ҳисобига енггач, ўзбек, инглиз ва қорақалпоқ тилларини яхши ўзлаштирди. Айни пайтда бу тилларни мукамал ўрганиш мақсадида янада кўпроқ ўқиб-изланмоқда.

Алибек ОМОНТУРДИЕВ,
«Turkiston» мухбири

E'tibor

Халқаро кўзи ожизлар куни муносабати билан Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонасида «Қалбим билан кўраман оламни» мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди.

Меҳрга ошурқта қалблар

Унда Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти марказий бошқарув раиси А.Абдунабиев, кўзи ожизлар кутубхонаси раҳбари Г.Бердимбетова, шоир ва ёзувчилар, хонандалар, профессор-ўқитувчи ва ёшлар иштирок этди.

— Юртимизда ҳеч бир инсон меҳр ва эътибордан четда эмас. Бугунги тадбиримиз ҳам имконияти чекланган инсонларни қўллаб-қувватлаш, жамият ҳаётида ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, — дейди Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти марказий бошқарув раиси Абдуқамол Абдунабиев. — Ҳозирда Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонаси Тошкент шаҳри ва вилоятларда истиқомат қилувчи 4500 нафардан зиёд кўриш имконияти чекланган инсонлар ва уларнинг оила аъзоларига хизмат қилиб келмоқда.

Кутубхона фойдаланувчиларига хизмат кўрсатиш билан бир қаторда шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, давра суҳбатлари уюштириб келади. Буларнинг барчаси давлатимиз томонидан имконияти чекланган инсонларга қаратилаётган ғамхўрлик намунасидир.

Тадбир сўнггида шоирлар Уктам Мирзаёр, Ботир Эргашев, Шавкат Одилжон ва хонанда Шухрат Дарё ўз чиқишлари билан йиғилганларга байрамона кайфият улашди.

Назokat ҚУРБОННИЁЗОВА,
«Turkiston» мухбири

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Иккинчи бор ўтказилаётган ёш тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўрғазмаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, ёшлар эришаётган илғор натижаларни тарғиб қилишга, ёшларда мулкдор бўлиш ҳиссини кучайтиришга, тадбиркорларнинг имкониятларини юзага чиқаришга хизмат қилмоқда. Кўрғазманинг очилиш маросимида сўз олганлар бу ҳақда алоҳида тўхталдилар, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати ва хунармандчиликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, яратилаётган шароит ва имкониятлар туфайли ёш тадбиркорлар ўз фаолиятини йўлга қўйиб, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқараётгани, турли хизматлар кўрсатаётгани таъкидланди. Шунингдек, мазкур кўрғазма ёшларнинг тажриба ва ютуқларини оммалаштириш, ижодий фаолиятини янада кенгайтиришга хизмат қилаётгани қайд этилди.

— Кўрғазманинг ҳудудий босқичларида 780 нафар ёш тадбиркор, фермер ва хунарманд ўз маҳсулотлари билан қатнашди, — дейди Ўзбекистон савдо-саноат палатаси етакчи мутахассиси Исомиддин Нуриддинов. — Кўрғазма давомида ёш тадбиркорлар учун соҳа мутахассислари томонидан ўқув-семинарлари ҳам ташкил этилди. Кўрғазмага келганларнинг аксарияти касб-хунар коллежлари ўқувчилари бўлиб, улар ёш тадбиркорлар билан танишиб, мулоқотда бўлди. Ҳудудий кўрғазмаларда иштирок этган ёш тадбиркорлар орасидан тўрт нафардан тадбиркор, икки нафардан фермер ва бир нафардан хунарманд, жами 98 нафар энг намунали ёш тадбиркор бугунги кўрғазмада иштирок этапти. Жорий йилги кўрғазмада иштирок этаётган ёш тадбиркорлар тақдир этиш сифати, йўналиши, кўлами билан ўтган йилгисидан фарқланади. Бу эса кўрғазманинг оммалашиб, унда иштирок этиш истагида бўлган ёш тадбиркорларнинг сони ортиб бораётганидан дарак беради.

Кўрғазмада экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқараётган, аллақачон бренд даражасига кўтарилган фирмалар, тўқимачилик, текстил маҳсулотлари ишлаб чиқараётган ҳамда енгил саноатнинг бошқа тармоқларида фаолият кўрсатаётган ёш тадбиркорлар иштирок этди. Наманган туманидаги «Vodiy uoy'och savdo» хусусий корхонаси ана шундай корхоналардан. 2007 йилдан фаолият кўрсатаётган ушбу корхона замонавий трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ёғоч маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш, чорвачилик ва иссиқхона маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган. Корхонада тайёрланаётган трикотаж маҳсулотлари «WOOD TEXTILE» савдо белгиси остида хориз давлатларига экспорт қилинмоқда.

— Мамлакатимизда биз, ёш тадбиркорларга қаратилаётган эътибор, яратиб берилаётган шароит ва имкониятлар самараси ўлароқ ўз маҳсулотимизни тўғридан-тўғри, ҳеч қандай тўсиқсиз хориз бозорига чиқаряпмиз, — дейди корхона раҳбари, «Ташаббус — 2012» республика танловининг «Энг ёш тадбиркор» номинацияси ғолиби Ислонбек Қутфитдинов. — Бунинг натижасида даромадимиз ҳам ортапти. Ўтган йили 270 миллион сўм миқдорда фойда кўрган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида биргина текстил корхонамиз ҳисобидан йигирма беш миллион сўмлик трикотаж маҳсулотларини маҳаллий бозорларимизга етказиб бердик. Эркаклар, аёллар ва болалар либосларини ишлаб чиқа-

ЭНГ САРА МАҲСУЛОТЛАР НАМОЙИШИ



ришга ихтисослашган корхонамизда қирқдан ортиқ моделдаги либослар тайёрланади. Бугун кўп тармоқли корхонамизда юзга яқин ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. Уларнинг ярми коллеж битирувчиларидир. Корхонамиз олий маълумотли мутахассисларни ҳам ишга олиш мақсадида Наманган муҳандислик-технология институти билан шартнома тузган. Чорвачилик йўналишида эса кунига уч юз литр сут соғиб олиниб, «Nestle O'zbekiston» қўшма корхонасига шартнома асосида етказиб бериляпти. Олаётган даромадимиз ишчиларимиз манфаатдорлигини муттасил ошириб боришга, корхона имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, кўрғазмада фермерлик йўналиши бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилган, бу маҳсулотларни тўлиқ қайта ишлаб, ички бозор учун озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқараётган, кўп тармоқли, деҳқончилик, чорвачилик, мева-сабзавотчилик, қишлоқ

ри ўзининг ноанъанавийлиги билан ажралиб турибди. Андижонлик дўппидўз хунарманд Лутфиддин Нишонов тайёрлаётган чуст, ниҳол, сетора, пахтаобод, марғилон, исфора дўппилари эса нафақат мамлакатимиз, балки қўшни давлатларда ҳам хариддоргир. 2007 йилдан буён ушбу хунар билан шуғулланаётган Лутфиддин устоз-шогирдлик анъанаси асосида коллеж ўқувчиларига ҳам ушбу хунарни ўргатиб келяпти. Айни кунда бу ерда ўн нафар доимий, йигирма нафар мавсумий ишчилар бир кунда мингга яқин дўппиларни тайёрламоқда. Чироқчилик хунарманд

ятлар, қолаверса, устоз-шогирдлик анъанаси асосида моҳир усталардан олган сабоқларимнинг ўрни катта. Шу боис мен ҳам ушбу анъанани давом эттирган ҳолда йигирмага яқин ёшларга ёғоч ўймакорлигини ўргатяпман.

Кўрғазмада Хатирчи туманидан келган «Мадррахим — Дилафрўз» фермер хўжалиги ҳам ўзи етиштирган маҳсу-



лотлари билан қатнашмоқда. Пахта ва ғалладан ташқари, полиз ҳамда боғдорчилик маҳсулотларини етиштириётган ушбу фермер хўжалиги бу йил тўрт нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминлади. Ёш фермернинг айтишича, саккизинчи синфда ўқиётган пайтда ушбу фермер хўжалигини ташкил этган.

— Дастлаб ўн гектар ер майдонида иш бошлаганман, — дейди фермер хўжалиги раҳбари, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиби Нурмухаммад Бобоназаров. — Айни кунда 171 гектар ер майдоним бор. Жорий йилда 91 гектар ердан давлат режасидаги 220 тонна ўрнига 280 тонна ғалла топширдик. 84 гектардан биринчи теримдаёқ 339 тонна пахта ҳосилини олиб, давлат режасини ортиғи билан бажардик. Бу йилги соф даромадимиз эса 180 миллион сўмни ташкил этди. Бунда фермер хўжалигимизда ерга бор меҳрини бериб меҳнат қилаётган қирқ нафар ишчи-ҳодимимизнинг ҳиссаси алоҳида. Келгусида фермер хўжалигимиз қошида ишлаб чиқариш тармоқларини ҳам йўлга қўймоқчимиз.

Ушбу кўрғазма илк бор қатнашаётган ёш тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратмоқда. Улар маҳсулотларини кенг оммага таништириш билан бирга, тадбиркорлик соҳасидаги билим ва тажрибала-

рини ҳам мустақамламоқда. Қарши шаҳридаги «Nasaf toza sifat» хусусий корхонасининг фаолият бошлаганига ҳам кўп бўлгани йўқ. Лекин ўтган қисқа вақт ичида салмоқли натижаларга эришди.

— Кўрғазмада «Deux» савдо белгиси остида ишлаб чиқарилаётган тўрт хилдаги — кир ювиш совуни, сода, идиш-товоқ ювиш гели воситалари каби маҳсулотларимиз билан қатнашяпмиз, — дейди корхона раҳбари Феруз Суюнов. — 2012 йил «Саноат курилишбанк»нинг Қарши шаҳар филиалидан юз миллион сўмлик кредит олиб, кир ювиш кукуни ишлаб чиқаришни бошлаган эдик. Ўтган давр мобайнида муайян тажриба тўплаб, маҳсулот тури, сифати ва ҳажмини ошириш чораларини кўрдик. Натижада жорий йил «Халқ банки»нинг Қарши шаҳри филиалидан 249 миллион сўм кредит олиб, хориздан янги технология олиб келдик. Талабга қараб ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортиб борапти. Бир кунда тўрт минг донагача кир ювиш совуни ишлаб чиқаряпмиз. Ҳозирда маҳсулотларимизни маҳаллий бозорларга сотаяпмиз. Маҳсулотларимизни «Шўртангазим» мажмуаси ҳамда вилоятдаги шифохоналарга ҳам шартнома асосида етказиб беряпмиз.

Кўрғазмада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Менинг



хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаётган, иссиқхона фаолияти билан шуғулланаётган қишлоқ мулкдорлари, хунармандчиликда эса халқ амалий санъатининг энг юксак намуналари асосида экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқараётган, жумладан, миниатюра, сомонга ишлов бериш, зардўзлик, кулолчилик, ёғочга ишлов бериш орқали турли асарлар яратиш билан шуғулланаётган хунармандлар қатнашди.

Айниқса, халқ усталари томонидан тайёрланган бежирим маҳсулотлар кўпчилик эътиборида бўлди. Хусусан, Сирдарё вилоятидан келган хунарманд Шаҳризода Маматхонваннинг қовоққа миниаюратори йўналишида чизган суратла-

Азиза Шарипованинг гиламлари пишиқлиги, гўзаллиги ва бежиримлиги билан эътибор тортаётган бўлса, қибрайлик наққош Шавкат Юсупов намойиш этаётган шахмат тахтаси, китоб жавонлари, қаламдон, панно, деворий безак липоначалари, моҳирона ишланган ғалладонлар, нақшинкор мебеллар кўрғазмага келган хоризликлар ҳайратини оширмоқда.

— Ўн йилдан буён ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланаман, — дейди хунарманд, «Ташаббус — 2013» республика танловининг «Йилнинг энг ёш тадбиркори» номинацияси ғолиби Шавкат Юсупов. — Бу натижага ўз-ўзидан эришганим йўқ. Бунда юртимизда хунармандларга яратилаётган шароитлар, имкони-

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» муҳбири.
Рустам Назарматов
олган суратлар.

ТАЖРИБА, ФИКР-МУЛОҲАЗА АЛМАШИШ МАЙДОНИ

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Беш кунлик форум доирасида иштирокчилар учун турли мавзуларда маҳорат дарслари, интеллектуал ўйинлар, маданий ва спорт тадбирлари ташкил этилди. Дастлаб иштирокчиларга ёшлар ташкилоти ва унинг мақсад-вазифалари ҳақида маълумот берилди. Етакчилар интерфаол ўйинлар орқали фаолиятига доир билим ва маҳоратларини оширди.

— Машғулотлар жуда қизиқ ўтди, — деди Ҳаракатнинг Андижон давлат тиббиёт институти бошланғич ташкилоти етакчиси Дилхуш Ёқубов. — Мана ҳозир бизга тренеримиз «Қамолот» ЁИХ, унинг устав ва низомлари ҳақида маълумотлар берапти. Яъни фаолиятимиз учун зарур ҳужжатлар билан танишяпмиз. Масалан, Ҳаракат қурултойининг вазифалари ҳақидаги видеоролик тарздаги тақдимот орқали билмаган ахборотларимиздан хабардор бўлдик.

Сўнгра етакчилар «Ҳаракатнинг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотини ташкил этиш» мавзусидаги семинар-тренингда иштирок этди. Бунда етакчилар кичик гуруҳларга бўлиниб, бошланғич ташкилотни қандай ташкиллаштириш кераклиги бўйича лойиҳалар ишлаб чиқди.

— Бошланғич ташкилотлар фаолиятини яхшилаш учун жамоамиз «Ҳамкорлик поезди» лойиҳасини таклиф этади, — дейди «Истеъдод» гуруҳи аъзоси, Ҳаракатнинг Навоий давлат кончилиги институти бошланғич ташкилоти етакчиси Ойбек Қурбонов. — Агар биз ўзаро ҳамкорликда турли лойиҳа ва ўқув-семинарларини ташкил этсак, фаолиятимиз янада жонланади, ҳамкорлик мустаҳкамланади.

— Биз, «Экоспорт» жамоаси «Бошланғич ташкилот назорати» таклифини ўртага ташлаймиз, — дейди «Қамолот» ЁИХ Гулистон давлат университети бошланғич ташкилоти етакчиси Бекзод Ибрагимов. — Шу орқали бир-биримизнинг фаолиятимизни назорат қилиб, холис баҳолаб, унинг ривожланишига эришамиз.

Семинарда билдирилган фикр-мулоҳазалар муҳокама қилинди. Яхши таклифлар Ҳаракатнинг келгуси йилдаги иш режасига киритилди.

Таъкидлаш лозимки, ўтган йиллар давомида Ҳаракатнинг негизи бўлган бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. 2012 йилда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотларининг янги низоми ва ташкилий тузилмаси тасдиқланди. Унга мувофиқ, Ҳаракатнинг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотларининг фаолият самарадорлиги ҳамда етакчининг таълим муассасасидаги мавқеини янада ошириш, энг намуна-

ли бошланғич ташкилотлар ва уларнинг етакчиларини рағбатлантиришга қаратилган аниқ тизим яратилди. Жорий йилда улар учун услубий қўлланма чоп этилди, ўқув-услубий фильм тайёрланиб, барча олий таълим масканларига етказилди.

Ҳозирда ушбу қўлланмалар етакчиларнинг фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этишга кўмаклашяпти.

Форумнинг иккинчи кунда Ҳаракатнинг бошланғич ташкилоти фаолиятидаги муаммолар муҳокама этилди. Талабалар кўнглини тополмай, айрим камчиликларга йўл қўяётган етакчиларнинг фаолияти таҳлил қилинди. Бунда айрим етакчилар барча лойиҳаларни амалга оширишга вақт етмаслигини таъкидлаб ўтди. «Тайм менежменти» маҳорат дарси эса етакчиларнинг вақтни тўғри тақсимлаш кўникмасини шакллантиришга қаратилди.

«ЕТАКЧИ, БЎШ ВАҚТИНГИЗ БОРМИ?»

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси Наргиза Қосимова етакчилар ўртасида «Вақтни бошқариш кўникмасини шакллантириш» мавзусида маҳорат дарсини ўтди. Унда етакчилар «Task List», «To Do List», «ABC»,



«Парето» таҳлили ёрдамида кунлик иш режаларини тақсимлади. Сўнгра ўн дақиқа ичида ўн та иш-ҳаракатни бажарди — ҳисобот ёзди, тадбирга тайёргарлик кўрди, нутқ тайёрлади, эртанги иш режасини тақсимлади.

— Тайм-менежменти бу — вақтни унумли бошқаришди, — дейди Ҳаракатнинг Бухоро давлат университети бошланғич ташкилоти етакчиси Орифжон Ҳайдаров. — Ўз вақтингизни бошқариш, ҳаётингизни бошқариш ва кўзланган мақсадга тезроқ эришиш ҳам демокдир. Ушбу семинарда вақтинми тўғри бошқариш ва ундан унумли фой-



даланишни ўргандим. Энди фаолиятимда вақтим бўлмамай амалга оширолмаган ишларим бўлмайди. Чунки менда «тайм менежменти»нинг вақтни тўғри ташкиллаштирадиган усуллари, технологиялари бор.

Форумнинг учинчи кунни муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ўқишга қабул қилинган талабалар билан ишлаш тартиби бўйича ўқув-машғулотлари олиб борилди. Машғулотда иштирокчилар «Қалқон», «Шунқорлар» тўғрисидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича таклифларини билдирди. Сўнгра етакчилар футбол ва стол тенниси бўйича ўзаро беллашди.

Кечки маданий дам олиш дастурида тўртта жамоа ўзлари тайёрлаган саҳна кўринишларини намойиш этди. «Тараққиёт» ва «Шижоатли ёшлар» жамоаларининг чиқишлари кўпчиликка манзур бўлди.

ЖАМОА БЎЛИБ ИШЛАШНИНГ АФЗАЛЛИГИ

Жамоа бу бир неча кишининг тўпланиши эмас, ўзаро тушуниш, дўстлик, ҳамжихатлик ва бирдамлик деганидир. Етакчи доим жамоа билан ишлайди. Шундай экан у, албатта, жамоа билан қандай муносабатда бўлишни билиши зарур.

Тошкент шаҳар педагог кадрлар малякасани ошириш ва қайта тайёрлаш институти ўқитувчиси Улуғбек Саидов етакчиларга жамоа бўлиб ишлаш афзалликлари ҳақида машғулот ўтказди. Биз у кишининг тақдиротидан етакчилар учун зарур айрим маълумотларни оққа кўчирдик:

Жамоада шундай муҳит яратиш керакки, айнан жамоа бўлиб ишлаш, яққа ишладан кўра кўпроқ фойда келтирсин. Жамоада ҳар бир аъзо ишни аъло даражада бажариши лозим. Жамоада ишлаш учун барча прототипларни қўллаб, уларни тўғри йўналтириш лозим ва улар ўртасида ҳамкорлик туйғусини кучайтириш керак.

Форум қатнашчилари жамоа билан ишлашда зарур педагогик, психологик методларни ўрганди. «Қамолот» ЁИХ муассислигидаги «Етакчи» ёшлар марказининг «Ижтимоий-психологик тадқиқотлар» бўлими мудири Луқмон Қазаков эса етакчиларга ёшлар ўртасида психодиагностика сўровлар ташкил этиш усулларини тушунтирди.

Етакчилар форумининг тўртинчи кунда «Заковат» интеллектуал ўйини ташкил этилди. Билимлар беллашувида иштирокчилар фаол қатнашди.

— Саволлар мантқиқий экан, — дейди Ҳаракатнинг Қорақалпоқ давлат университети бошланғич ташкилоти етакчиси Қувонч Юсупов. — Бор им-

кониятимизни сарфлаб, ютишга интиламиз.

Форум доирасида бошланғич ташкилотлар хонасини жиҳозлаш бўйича ҳам давра суҳбати ўтказилди. Айрим етакчилар бошланғич ташкилот хонасида зарур техникалар етишмаслиги, радио-узел ишламаётгани, бунинг учун эса маблағ кераклигини айтиб ўтди. Бундай камчиликлар келгусида бартараф этилишига «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши масъул ходимлари ваъда берди.

ЭНГ НАМУНАЛИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ

Етакчилар кутган дақиқалар ҳам яқинлашди. «Энг намунали бошланғич ташкилот» танловининг республика босқичида Ҳаракатнинг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлар етакчилари ўзларининг йиллик фаолиятлари тўғрисидаги тақдимотлари билан қатнашди. Экспертлар гуруҳи тақдимотларни баҳолашда бошланғич ташкилотда яратилган шароитлар, ёшлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда етакчининг шахсий ташаббускорлиги, билим ва кўникмасига алоҳида эътибор қаратди.

— Ёшлар билан ишлаган, чиндан намунали эканлигини амалий ҳаракатлари, ташаббуси билан исботлаган бошланғич ташкилотлар фаолиятини юқори баҳоляпмиз, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси Дилфуза Шодиева.

Танлов якунида энг намунали уч нафар бошланғич ташкилот ва унинг етакчилари рағбатлантирилди.

**Хусан Тўхтаев,
Самарқанд давлат университети
бошланғич ташкилоти етакчиси,
танлов ғолиби:**

— Танловда бошланғич ташкилотимизнинг йил давомида олиб борган ишлари бўйича тақдимот қилдим. Ҳакамлар ҳайъатига «Юридик клиника» ва «Қишки фаоллар мактаби» лойиҳаларимиз манзур бўлди. Фаолиятимизни юқори баҳолаб, биринчи ўринга лойиқ кўришди. Бундан жуда бахтиёрман. Бу рағбат келгусида бизга янада куч-қувват бағишлайди.

Тошкент темир йўл муҳандислари институти ва Тошкент давлат аграр университети бошланғич ташкилотлари фаолияти иккинчи ва учинчи ўринларга лойиқ деб топилди.

Форум доирасида режиссёр Ҳилал Насимовнинг «Гумроҳлар» ва Нилуфар Иброҳимхўжаеванин «Катта ҳовли» фильмлари премьераси бўлиб ўтди.

II республика етакчилар форуми якунида иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясига ташриф буюриб, унинг фаолияти билан танишди.

**Қумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири.**

Рустам Назарматов олган суратлар.



2014-yil — Sogʻlom bola yili

Ёш мусаввирлар кўрғазмаси

Соғлом бола йили муносабати билан Ўзбекистон Миллий университетида «Олам ва одам — болалар нигоҳида» мавзуида Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи иқтидорли ўқувчиларининг асарлари кўрғазмаси ташкил этилди. Унинг очилиш маросимида ЎЗМУ раҳбарияти, Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи жамоаси, талабалар иштирок этди.

Таъкидлаш лозимки, кўрғазма қатнашчилари жорий йилда Италия, Австрия, Чехия, Польша, Россия ва Ҳиндистонда бўлиб ўтган халқаро кўрғазма ва танловларда муваффақиятли иштирок этиб, юқори ўринларни қўлга киритган.

— Бу йил саккиз нафар шогирдим билан ўнга яқин мамлакатда ижодий сафарда бўлдик, — дейди кўрғазма ташкилотчиси, Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи ўқитувчиси Абдурахмон Нурқобилов. — Бир нечта халқаро

танлов ва фестивалларда қатнашиб, мустақил Ўзбекистон фарзандларининг истеъдодини бутун дунёга намойиш этдик. Шубҳасиз, бу каби ижодий саёҳатлар болалар тасаввури, дунёқарашини кенгайтиришда, ижодий маҳоратини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур кўрғазмада ёш мусаввирларнинг 100дан ортиқ асари томошабин эътиборига ҳавола қилинди. Улар орасида халқаро танловларда эътироф этилган асарлар билан бир қаторда ёш ижодкорларнинг жонажон диёримизнинг гўзал табиати, тарихий обидалари, халқимизга хос меҳр-оқибат, бағрикенглик туйғулари ҳамда хориж са-

фарлари таассуротлари тасвирланган.

— Болалиқдан табиат манзарасини тасвирлашга қизиқардим. Ушбу қизиқиш мени Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейига етаклади, — дейди мазкур кўрғазма иштирокчиси Муқаддас Ҳафизова. — Яқинда Италиянинг Венеция шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кўрғазмада биринчи ўринни эгалладим. Бу каби ютуқларимда мени қўллаб-қувватлаган устозларимнинг хизмати беқиёс, албатта. Келажакда ўз ишимнинг устаси бўлиб, юртимиз номини дунё бўйлаб тараннум этмоқчиман.

Бу ёруғ оламда ўз Ватани, унинг қир-адирлари, кенгликлари, гулу райхонларини сев-

майдиган, улар билан фахрланмайдиган инсон бўлмас керак. Она юртининг ана шундай бетакрор манзаралари инсон кўнглида муҳаббат уйғотиб, орзуларга кенг йўл очади. Болалар кўрғазмасини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ҳам иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижод намуналарини кенг жамоатчиликка намойиш этиш, ёшларнинг санъатга меҳрини оширишдир. Халқаро танловлар голиблари асарлари юртимизда илк бор яхлит ҳолда намойиш этилаётган ушбу кўрғазма 26 ноябрга қадар давом этади.

Санжар ИСМАТОВ,
«Turkiston» мухбири

Суратларга қадриятларимиз акси



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Кузги чизгилар» мавзуидаги расмлар кўрғазмаси бўлиб ўтди. Камолитдин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари томонидан ташкил этилган мазкур кўрғазмада эллика яқин асар намойиш этилди.

Миллийлик ва замонавийлик акс этган мазкур картиналарда халқимизнинг қадим тарихи, миллий урф-одат ва анъаналаримиз, хунармандчилик намуналари, миллий чолғу асбоблари ва куз фаслининг гўзал таровати маҳорат билан акс эттирилган.

— Ушбу кўрғазмада «Куз манзаралари», «Кулчилик намуналари», «Даврлар ҳамонаглиги», «Мерос» номли бир қанча асар-

ларим билан қатнашяпман, — дейди санъатшунослик факультети талабаси Ситора Хуррамова. — Мазкур расмлар орқали юртдошларимизга диёримизнинг ўтмиши, бетакрор гўзал табиати, ноёб қадриятларимизни тасвирий санъат орқали ифодалашга ҳаракат қилдим.

Назокат
ҚУРБОННИЁЗОВА,
«Turkiston» мухбири

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида «Миллий журналистика ривожига ёш журналист кадрларни тайёрлашнинг долзарб масалалари» мавзуида талабаларнинг анъанавий амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Талабалар ижод рингига

Тадбир халқаро журналистика факультети томонидан ташкил қилинди. Унда марказий газета ва журналлар, телерадиоканаллар, ахборот агентликлари ҳамда ахборот саятларининг ижодий ходимлари қатнашди.

Конференция доирасида талабалар ўртасида ижодий танлов ўтказилди. Иштирокчиларнинг ижодий ишлари босма нашрда эълон қилинган энг яхши материал, энг яхши радиоэшиттириш, энг яхши телекўрсатув, интернетдаги энг яхши материал, спорт йўналишидаги энг яхши чиқиш, илмий ва илмий-оммабоп мақола йўналишлари бўйича баҳоланди. Ҳар бир номинацияда учтадан голиб аниқланиб, диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

— Талабалар амалиётининг самарали йўлга қўйилгани уларнинг муқим иш ўрни билан таъминланишига хизмат қилмоқда, — дейди халқаро журналистика факультети 3-курс талабаси Дилшод Рўзиқулов. — Танловда 1-ўринга сазовор бўлдим. Ҳар бир ижодкор учун ишига берилган юқори баҳо катта ютуқдир. Бугунги ғалаба менга янада илхом бағишлади.

Тадбир сўнггида талабалар тайёрлаган саҳна кўринишлари ва концерт дастури намойиш этилди.

Озода РЎЗИМОВА

Jurnalning yangi soni

Теран нигоҳлар, таҳлили таққинлар

«Ёш куч» журналининг навбатдаги сони нашрдан чиқди.

Ҳозирги кун ёшларининг кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига илдам қадам ташлаётгани қувонарли ҳол. «Ёш тадбиркор» консултация маркази раҳбари Лобархон Бобожонованинг «Тадбиркори кўпдир бу элнинг» мақоласида Тошкент вилояти ёшларининг бу борада эришаётган ютуқлари ҳақида сўз боради.

— Истиклол туфайли она тилимиз яна кадр топди, — дейди тилшунос Алишер Миразизов «Тил туғини баланд тутайлик» мақоласида. Тилимизни ўрганишга хорижликлар астойдил ҳаракат қилаётган бир пайтда пойтахтимиз кўчаларидаги айрим ёзувлар киши таъбини хира қилиши, эълонлар, кинофильм ва кўшиқлардаги гализликлар ҳақида муаллиф куйиниб ёзади.

— Юртимизда ютуққа эришган ҳеч бир ёш эътибордан четда қолмайди, — дейди «Шухрат» медали соҳиби Муроджон Зуфаров «Юрт эътиборидаги ёшлар» мақоласида.

Шоир Ориф Тўхташнинг Ватан меҳри тараннум этилган шеърлари ўқувчини ҳаяжонга солади.

Нигора Турдиеванинг «Истиклол фарзандлари» рукни остида берилган «Келажакка қадам» мақоласида 2-Фарғона тиббиёт коллежида ўқувчиларнинг ҳар томонлама камолга етиши учун олиб борилаётган бир қатор хайрли ишлар ҳақида сўз юритилади.

Адолат Ғайрат қизининг «Қариндошдан қиз олманг» мақоласи олий тоифали шифокор Феруза Файзиёванинг ҳаётини тажрибалари асосида битилган.

Муқобил энергия манбаларидан фойдаланишнинг серқуёш Ўзбекистонимизда имконият кўламини кенг. Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида ўтказилган илмий анжуманда ушбу масалалар муҳокама қилинди. «Тикланувчи энергия манбаи» мақоласи ана шу ҳақда.

Бектош Исмоиловнинг «Маҳалла» рукнида берилган «Жонқуяр маслаҳатчи» мақоласида Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгар» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиларининг ибратли ишлари ҳикоя қилинади.

Типратиканлар ҳақида қизиқарли маълумотларни 6-синф ўқувчиси Мухлиса Зоитова тўплаган. Типратиканнинг нечта тиши бор? Ўзбек халқ таботатида ундан қандай фойдаланилади? Ушбу саҳифада барчаси айтиб ўтилган.

Сўнги саҳифада қувноқ латифаларни ўқиб юзингизга табасум югуради.

Насиба АБДУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири

Mutaxassis oqoh etadi

Могу жонингузну асранг

Башариятнинг буюк кашфиётларидан бири бўлган олов ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этиши билан бирга, зарур хавфсизлик чораларига риоя этишни ҳам талаб қилади. Тўғри фойдаланилмас, олов «ёв»га айланади.

Шаҳару қишлоқларимизда минг-минглаб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектлари мавжуд. Бу эса тадбиркор юртдошларимиздан ёнгин хавфсизлигини таъминлашни талаб этади. Бу борада мутахассислар томонидан мунтазам равишда тушунтириш, тарғибот ишлари олиб борилади. Масалан, оддийгина талаб: тадбиркорлик субъекти доимо ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиши шарт. Авваламбор, бу офат ҳеч қачон юз бермаслиги учун мудом хушёр бўлиш, зарур чора-тадбирларни кўриш лозим. Тадбиркорлар зим-

масига бу офатга қарши ҳимоя воситаси ва тизимини тайёр ҳолатда сақлаш, ёнгин хавфсизлиги талабларига қатъий риоя қилиш, содир бўлган ёнгинни ўчиришда ёнгин хавфсизлиги хизмати билан ҳамкорликда ҳаракат қилиш кераклиги каби қатор мажбуриятлар юклатилган. Кутилмаган техник ёхуд бошқа сабабларга кўра ёнгин юз берган тақдирда ҳам қандай ҳаракатланиш лозимлигини билиш ҳар бир тадбиркор ва у билан бирга меҳнат қиладиган фуқароларга маълум бўлмоғи керак.

Бу каби нохуш ҳолатларнинг ол-

дини олиш учун тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ҳар бир шахс Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 сентябрда қабул қилинган «Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунида баён этилган қоидаларга риоя этиши шарт. Қолаверса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ишлаб чиқарилган товарлар, кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар теварак-атроф ва истеъмолчилар учун хавфсиз бўлиши, уларнинг ҳаёти, соғлиги, мол-мулки учун ҳеч қандай хавф туғдирмаслиги лозим.

Мазкур меъёрларга амал қилмаган тадбиркорлар, қонун ҳужжатларида белгиланган нормаларга мувофиқ қоидабузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилади.

Тоҳир ИБРАГИМОВ,
Аллайр АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ИИБ Ёнгин хавфсизлиги олий
техник мактаби ўқитувчилари

Nigoh

Касб тўғри танланса...

17-18 ёшлардаги ўғил-қизлар билан суҳбатлашиб, уларнинг бир жиҳатига қойил қоламан: ҳар бири ўзининг мустақил фикрига эга. Сиз билан исталган мавзуда баҳс-мунозарага киришиши мумкин. Уларга қараб, ўзимни, бундан йигирма йиллар аввалги ҳолатимни, ўша пайтдаги тенгқурларимни кўз олдимга келтираман. Биз бугунги ёшлардек фикрлай олармидик?

Ўз ҳаётимиз, мустақил фикримизга эгамидик? Ота-онасининг орзу-ҳаваси ила ўзи истамаган таълим муассасаларида ўқиган тенгдошларимизни билан. Ўрта ёшли кишилар ҳам яхши эсласалар керак, пулдор ва мансабдор кишилар болаларини асосан «юрфак», «экономфак» каби жойларда ўқитишни истар, ўқитар ҳам, аммо аксарияти ўша фарзандининг ҳуқуқшуносликка қай даражада қизиқиши бор, иқтисодга оид касбларга қобилиятлими, йўқми — ўйлаб ҳам кўрмасди. Шахсий ёки мустақил фикрлаш дегани ота-она ёки

катталар билан талашиб-тортишиш, уларнинг фикрини буткул инкор қилиш дегани эмас, албатта. Бироқ гап ўз келажаги ҳақида борганда, ўсмир ёшидаги фарзанд ўз мулоҳазасини эркин билдириши, хусусан, касб танлаш борасида ўз позициясини баён қилиши, зарурат тугилса, уни ҳимоя қила олиши ҳам керак.

Бугунги коллеж ўқувчиси ўқиш ва машғулотлар давомида ўз келажагини белгилай олади. Ўзини бўлажак мустақил ҳаётга қай тарзда тайёрлаш кераклигини, бунинг учун бирор касб ё хунарни эгаллаш зарурлигини

яхши англайди. Айниқса, тадбиркорликнинг қайсидир тури билан шуғулланишга ундайдиган, давлатимиз томонидан яратилган қулайликлар уларни янада руҳлантормоқда.

Арносойлик Элдор Лапасов битирувчиларга имтиёзли кредитлар берилаётганини эшитиб, чорва билан шуғулланишга жазм қилди ва «Агробанк»нинг туман бўлимида тўрт миллион сўм кредит олди. Отаси кўрсатган йўл-йўриқлар асосида чорвачилик хўжалигини ташкил қилди. Коллежни ўзи билан бирга тугатган яна тўққиз нафар сабоқдоши ҳам худди шундай қилди: чорва учун кредит олди. Мафтуна Сайдуллаева, Ўғилой Охунова, Фаррух Шойзоқов, Фахриддин Кароматов, Покиза Эргашева шулар жумласидан.

Улар Арносой информатика хизмат кўрсатиш касбхунар коллежида ўқиган. Бобур Назаров раҳбарлик қила-

ётган бу масканда ўқувчилар дарсларга қизиқиш билан қатнайди. Чунки ҳар бир ўқувчининг тақдири коллеж жамоасининг доимий эътиборида. Турли усулларда, замонавий технологиялар асосида ўтиладиган дарсларда ўқитувчиларнинг тинимсиз меҳнати сезилиб туради.

Коллежда 551 нафар ўқувчига қирққа яқин ўқитувчи сабоқ беради. Ёшлар компьютер ва компьютер тизимини созлаш техникни, ахборот ва коммуникация технологиялари тизими, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш, транспортларда ташиш ва бошқаришни ташкил этиш, фермер хўжалиги мутахассиси каби йўналишларда таҳсил олади. Дарсларда илмфан, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги барча ютуқлар ўқувчилар онгига сингдирилиб борилмоқдаки, буни таълим даргоҳида маънавий-маърифий ишлар бўйича олиб борилаётган амалий ҳаракат-

ларда кўриш мумкин.

— Эрталабки йиғилишларда ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини камол топтириш, миллий урф-одатлар, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга йўналтирилган суҳбатлар ўтказилади, — дейди коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Инобат Султонова. — Айниқса, туман ички ишлар ҳамда ФХДЁ бўлимлари билан ҳамкорликда ўтказилган давра суҳбатлари ва учрашувлар ўқувчиларни жуда қизиқтирмоқда. Чунки улар ўзларининг саволларига шундай тадбирларда жавоб олади.

Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда коллежда ташкил этилган тўғараклар жуда асқотмоқда. Касб ва фан тўғаракларидан ташқари, рақс, енгил атлетика, волейбол, баскетбол, футбол, кўл тўпи, ёш китобхон тўғаракларида ҳам ўқувчилар жуда фаол.

Шоди ОТАМУРОД,
«Turkiston» мухбири

Qadriyat

Бек болалар улғаяди бешикларда...

«Бешик боласи — бек боласи» дейишади. Халқимизда чақалоқни бешикка белаш жараёни анъанавий маросим сифатида ўтказилади. Фарзанд дунёга келганда қанчалик қувонч билан кутиб олинса, уни илк бор бешикка белаш ҳам бир олам шодлик келтиради.



Дарҳақиқат, бу мослама кўплаб афзалликларга эга. Бола мускулларининг тўғри ривожланиши, умумий саломатлик ва тинч уйқу борасида у кўпгина вазифаларни бажаради. Она алласига ҳамоҳанг тебранаётган бешикларда бола ўз вақтида инжиқлик қилмасдан уйқуга кетади. Ипак, шойи матоларидан тайёрланган кўлбоғлар эса чақалоқ учун яхшигина ҳимоя воситаси. Бешикка беланган бола тинч ухлайди. Боланинг руҳан тетик ўсишида унинг ўрни бекиёс.

Халқимиз узоқ асрлар давомида бешикдан фойдаланиб келади. Маҳмуд Қошғарийнинг туркий халқлар яшаш тарзи, урф-одатлари тасвирланган «Девону луғотит-турк» асарида ҳам бешик тўғрисида мисралар мавжуд. Бундан кўриниб турибдики, неча асрлардан буён бола парваришида бешик яхшигина дастёр вазифасини ўтаб келмоқда. Шунингдек, Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонида бешик сўзи «махд» тарзида ифодаланган. Алишер Наво-

ий Мажнунни бешикка белаш жараёнини асарда шундай тасвирлайди:

*Ҳифз айлади они неча доя,
Ҳар нав шишдин топарға воя.
Ҳирмаб яна кишу ос бирла,
Ҳунча киби юз либос бирла.
Ётқуздилар они маҳд ичинда,
Гул япраги шаҳд ичинда.*

Бешик яшашнинг ҳам ўзига яраша машаққатлари бор. Бу юмуш хунарманддан кўп вақт ҳафсала, масъулият ва моҳирлик билан бирга диққат-эътиборли бўлишни талаб қилади. Чунки йўл қўйилган кичкина хато ҳам бола парваришида салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бунда бешик учун ишлатиладиган ёғоч, безак бўёқлари ҳам безарар бўлиши керак.

— Бешик асосан, тол, тут, теракдан тайёрланади, — дейди бешиксоз уста Бобур Акбаров. — Дастлаб ёғочлар яхшилаб текшириб, қурт тушмаганлари танлаб олинади. Ёғоч бир йил давомида офтоб тигида қуритилгач, керакли шаклга келтирилади. Биринчи навбатда бе-

шик оёқларини ясаймиз. У тебратишга қулай, ағнаб кетмайдиган шаклда ясалади. Бешикни оналарга қулайлик яратиш учун эллик сантиметрдан олтмиш сантиметргача бўлган баландликда тайёрлаш керак. Бешик дастаси тебратишга, эгмочлари эса ёпқич ёпишга мосланади. Безаш учун қандолат бўёқларидан фойдаланилади. Бундай бўёқлар бола саломатлигига салбий таъсир кўрсатмайди.

Моҳирлик билан ясалган бешикларни кўрганда кўз қувнайди.

— Чақалоқ бешикка киндиги ажралиб тушгандан сўнг ётқизилади, — дейди 76 ёшли онахон Ҳидоят Обидова. — Илк бор болани бешикка солаётганида кексалар дуо қилади — чақалоқ ҳам ўзлари каби улуғ ёшга етсин, тўрт мучаси соғ бўлсин, дейди-да. «Буюк боболарига ўхшасин, улардек инсонлар бўлсин», дея ният қиладилар.

Бешик учун мўлжалланган кўрпача, таглик ва кўлбоғлар бола терисига зиён қилмайдиган пахта матолардан тикилади. Тариқ солинган кўрпалар эса қоматнинг тик ривожланишига кўмаклашади. Ёш оналар болани бе-

лаш борасида онахонлар билан бир қаторда шифокорларнинг ҳам тавсиясига қулоқ тутгани маъқул.

— Бешикда ухлаган боланинг таги қуруқ ва озода сақланади. Бу боланинг шамоллашини ҳамда терида пайдо бўладиган турли яраларнинг олдини олади. Бешикка беланган бола уйқу орасида ёнга ағдарилиб, қўлини босиб қолиши ёки қаттиқ чўчиши мумкин. Бундай ҳолатлар кўрқиб билан боғлиқ руҳий хасталикларни келтириб чиқаради. Шу билан биргаликда белаш жараёни оналардан катта зийраклик талаб қилади: чақалоқнинг кўл ва оёқларини боғлаётганда уларнинг тўғрилигига эътибор бериш зарур. Озгина лоқайдлик туфайли ҳам мускуллар нотўғри ривожланиши мумкин. Қолаверса, ёстиқ ҳам бола бошининг ва қулоғининг тўғри ўсишига мўлжалланган бўлиши керак. Чақалоқ икки-уч ёшга етгунча бешикда ётгани фойдалироқ, — дейди олий тоифали болалар шифокори Малика Курбонова.

Феруза ЖўРАЕВА,
ЎзМУ талабаси

Momolar o'giti

Яқинда жажжи жияним Маликанинг туғилган куни. Унга бирор фойдали нарса совға олиш мақсадида болалар дўконига кирдим.

«БОЛАНИНГ ЛИБОСИГА ЭЪТИБОР БЕРИНГ!..»

Ранг-баранг ўйинчоқлари либосларни кўриб, дилинг яйрайди. Хўш, жиянчамга нима олсам экан? Ҳаммаси бир-биридан чиройли. Кўйлакча олсамми? Кўркам либослар қаршисида турарканман, момоннинг «Бола — умр гули. Уни ҳамиша эҳтиёт қилиб парвариш қилиш даркор. Овқатю юриш-туришидан ташқари, кийимига ҳам эътибор бериш шарт», деган насихатлари ёдимга тушди. Дарҳақиқат, бу борада халқимизда маълум анъаналар шаклланган.

— Чақалоқларга юмшоқ матолардан тикилган кўйлак кийгизилади. У бола курта деб аталади, — дейди Қорақалпоқ давлат санъат музейи бўлим бошлиғи Айгул Пирназарова. — Қадимдан бола куртани асосан қуроқлардан тикиш урф бўлган. Бола сал улғайгач, унга бўз ёки чит матодан устки кийим — чопонча қавиб берилади. Бу анъана ҳозир ҳам бор. Болаларнинг бош кийимларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Қалпоқча ва дўппилар аллақачон халқ амалий санъатининг бетакрор намуналарига айланган. Одатда ўғил болалар учун оқ, қизлар учун қизил рангли бош кийим танланган.

Айни вақтда Қорақалпоқ давлат санъат музейида сақланаётган момоларнинг тиккан болалар кийимларининг қадимий нусхалари ёш ота-оналарни фарзандларига миллий анъана ва урф-одатларимизга монанд кийим-бош танлашга ундаса, ажаб эмас.

Жажжи жиянчамнинг саломатлиги, келажагини ўйлаб, унга момикдан тайёрланган кўйлак сотиб олишга қарор қилдим.

Озода РЎЗИМОВА,
Қорақалпоқ давлат университети талабаси

Уста кўрган шогирдлар

Ҳақиқий санъат замон, макон, тил, миллат ва ёш танламайди, дейдилар. Масалан, қайси тилда бўлмасин, кўшиқ маромига етказиб ижро этилса, миллати ва тилидан қатъий назар, ҳар қандай санъат мухлиснинг кўнгил торларини чертади. Бу санъатнинг чегара билмас кудратидандир.

Қарши санъат коллежиде келажакда миллий мусикамизни бутун жаҳонда тарғиб қилиб, ўз санъати билан барча инсонлар қалбини забт этиш истагида яшаётган ўғил-қизлар таълим ол-

Ўқувчиларга юқори малакали мутахассислар санъат сирларини ўргатмоқда.

— Ўқитувчи меҳнатининг самарасини шогирдлар камолида кўради. Бирор ўқувчимиз



мизда бундай қувончли дамлар кўп бўлган. Тошкент шаҳрида 2013 йил 7 — 14 июнь кунлари ўтказилган мусика, санъат ва маданият йўналишидаги ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчиларининг республика танловида шогирдимиз Гулрух Пирназарова «Оммавий режиссура» йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллаб, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди. Жорий йилнинг май ойида Тошкент шаҳрида ўрта махсус, касб-хунар коллежлари битирувчилари ўртасида ўтказилган «Ёш ижодкорлар» республика танловида Шаҳноза Баҳромова ва Аъзам Ёқубов

биринчи ўринни олиб, олий таълим муассасаларига имтиёз асосида кириш имкониятига эга бўлди ва айна пайтда ўзлари истаган олий ўқув юртларида тахсилни давом эттиряпти. Ўтган йили яна бир ўқувчимиз Абдулла Ширинов опера йўналиши бўйича «Нихол» мукофоти сазовор бўлганди. Албатта, гап фақат кўлга киритилган ютуқ ва совринларда эмас. Мақсадимиз, авваламбор, фарзандларимизнинг дидини шакллантириш, санъатга меҳрини ошириш, пировардида, юксак маънавиятли, катта қалбли инсонлар қилиб тарбиялашдир.

Шавкат КАРОМОВ,
«Turkiston» мухбири



моқда.

Коллеж ўқувчилари орасида нафақат вилоят ва республика, балки халқаро миқёсдаги нуфузли танловларда ғолиб бўлган истеъдод эгалари бор.

қаердадир истеъдодини намойиш этса, улар ҳақида кимдандир илиқ фикр эшитсак, бошимиз кўкка етади, — дейди таълим муассасаси раҳбари Салим Сайимов. — Шукрки, иш фаолияти-

Biznesga ilk qadam

Сирдарёлик Умид Қаҳҳоров бир неча йўналишида тадбиркорлик фаолиятини юритаётган тенгдошларимиздан. У Гулистон туманидаги Мирзо Улуғбек агросаноат коллежини бухгалтерия мутахассислиги бўйича тамомлаган. 1-курсда ўқиётган пайтдаёқ шериклик асосида «Кодир агротранс» масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилди. Корхонада шлакблок ишлаб чиқарилади.



— Махсулотимизни асосан намунавий уй-жойлар қурилиши учун етказиб бераймиз, — дейди ёш тадбиркор. — Йилига 40,5 миллион сўм соф фойда оламиз. Корхонада ўн нафар ўзим тенги ёшлар доимий иш билан банд. Бу йили «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Ёш тадбиркор — юртга мадакор» лойиҳасида қатнашиб, банкдан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини кўлга киритдим. Кредит ҳисобига фирманинг янги филиалини очиб, ишчилар сонини кўпайтирамиз. Бундан ташқари, қурилиш моллари дўкони очиш ниятимиз бор.

Тез орада Умид Қаҳҳоров қандолатчилик цехини ҳам ишга туширмоқчи. Унинг мўлжалича, бу ерда 15 нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминлаш имкони бўлади. Шунингдек, тенгдош дўстлари билан бирга фотостудия ҳамда компьютер хизматларини йўлга қўйишни режалаштирган.

Наргиза БАҲОДИРОВА

Bilasizmi?

Учар автомобиллар

«Шамолдан ҳам тез». Авваллари кишилар бу иборани чўқур отларга, оҳуларга нисбатан қўллаган бўлса, бугун шундай транспорт воситалари борки, улар тезкорликда ҳатто шамолни ҳам ортда қолдиради.



Гўёки, «шамолдан ҳам тез» иборасини улар «ўзлариники қилиб олгандек». Масалан, автомобилларни олайлик. Дастлабки аутовловлар соатига ўртача 10 — 15 километр тезлик билан ҳаракатланган бўлса, бугун тўрт-беш сония ичида 100 км/соат тезлик олади-

ган машиналарни кўрганда ажабланмайди киши.

Куйида ана шундай учар автомобиллар ҳақида айрим маълумотлар билан таништирамиз.

1886 йилда Даймлер биринчилардан бўлиб тўрт гилдиракли автомобилни ихтиро қилди. 1899 йилда яратилган «Жемейс Контент» дея ном олган автомашина 100 км/соат тезликка эришган. Унинг ташқи кўриниши бочкасимонлиги билан ажралиб туради.

Сер Малколм Кемпбелл ва ўғли Доналд ўз даврида рекорд ўрнатган кўплаб машиналарни яратди. Улар «мовий қушлар» деб аталарди. 1923 йил биринчи «мовий қуш»

соатига 219 километр тезликда юриб, рекорд ўрнатган.

Инглизларнинг машхур «Trust SSC» машинаси босмаҳонасида, А-3 форматда рекорд соҳиби ҳисобланади. У 1227,72 км/соат тезлик олиб, товуш тезлигида ҳаракатланган биричи машинага айланди.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган «Малибу», «Орландо» «Нексия», «Кобалт» каби автомобиллар ҳам учкурликда ҳеч бир машинадан қолишмайди. Улар нафақат юқори суръати, балки замонавий дизайни, қулай ва хавфсизлиги билан ажралиб туради.

Зокир ШОЙИМОВ тайёрлади.



Зукко мухлисга савол:

Вақтни энг тўғри ва аниқ кўрсатадиган, экспедицияларда, кемада сузишда қўлланиладиган махсус кўчма соат нима деб аталади?

Жавобингизни **18 ноябрь соат 16:00**га қадар **233-79-69, 233-95-97** телефон рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:

Бобур.

Чирчиқ шаҳридаги 15-мактаб ўқувчиси Шаҳноза Назарматова тўғри жавоб йўллади.

Тафаккур қилмонидан бир қатъра

Агар одам астрономиядан бир оз хабардор бўлса, у Ер шарининг коинотда нақадар кичик бир зарра эканини англайди. Ер шари чексиз фазода ростдан ҳам жуда кичик, ҳатто кўзга кўринмайди. Аслида коинотдаги ана шундай бир зарра ичида инсонлар ўзаро талашадиган ҳеч нарса йўқ.

Аббос Содиқов, астроном олим

